

При переводе рассматриваемых конструкций могут быть использованы также причастные обороты на –ган в местном падеже.

Например: Минут за 10 до 7 часов Сторешников был перед дверью Жюли (Чернышевский, «Что делать?»). – Саат жетиге 10 минуттай калганда, ол Жюлидиң есигиниң алдын-да болды (Чернышевский, «Не ислеў керек?»).

На основе изучения значения ограничения во времени в русском языке и их средств передачи приходим к следующим выводам:

- Значение временного предела в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:
 - дательного-направительного падеж с послелогом «шекем»: ждать до утра – азан+ға шекем күтиў.
 - причастный оборот на –ганша: сидеть до прихода друга – досты келгенше отырыў
 - причастный оборот на –ган в дательном падеже с послелогом «шекем»: читать до отъезда – кеткен+ге шекем оқыў.
 - придаточная часть сложноподчинённого предложения: написать до поступления – киремен дегенше жазып жиберіў.
- Значение ограничения во времени в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:
 - исходный падеж с послелогом «бурын», «илгери» и «алдын»: уехать до праздника – байрам+нан бурын кетиў
 - отглагольно-именной оборот на –мас в исходном падеже с послелогом «бурын», «илгери» и «алдын»: сказать до прихода брата – ағасы кел+мес+тен бурын айтыў.
 - деепричастный оборот отрицательной формы на +й: выехать до восхода солнца – күн шық+пай жүрип кетиў.

- причастный оборот на –а(р), –е(р) с послелогом «алд»: работать до отъезда – кетердиң алдын+да ислеў.

• Уточнённое значение предшествования в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:

- исходный падеж + основной падеж количественно-именных словосочетаний + послелог «бурын», «илгери» или «алдын»: приехать за два дня до праздника – байрам+нан еки күн бурын келиў.

- причастный оборот на –ган в местном падеже: уехать за час до собрания – жыйналысқа бир саат калған+да кетип калыў.

• Значение времени, совмещённого с пространственным в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:

- причастный оборот из дательного-направительного падежа и причастия со словообразовательным аффиксом –на (ше): говорить до института – институт+қа барған+ша сөйлеў.

- тот же оборот из дательного-направительного падежа, причастия тоже в том же падеже с послелогом «шекем»: молчать до станции – станция+ға барған+ға шекем үндемеў

- дательного-направительного падеж с послелогом «шекем»: смотреть до моста – көпир+ге шекем қараў.

• Значение срока чего-либо в каракалпакском языке имеет нижеследующее эквивалентное средство:

- дательного-направительного падеж: отложить до субботы – шемби+ге қалдырыў

• Значение измеряемого времени в каракалпакском языке имеет нижеследующее эквивалентное средство:

- дательного-направительного падеж с основным падежом количественно-именных сочетаний: до праздника осталось три дня – байрам+ға үш күн қалды.

Литература

1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. –Москва: 1952.
2. Баскаков Н.А. Структура простого предложения в тюркских языках. –Фрунзе: 1956.
3. Боровков А.К. Учебник уйгурского языка. –Ленинград: 1952.
4. Гордлевский В.А. Руководство для изучения османского языка. –Москва: 1922.
5. Дмитриев Н.К. Строй турецкого языка. –Ленинград: 1939.
6. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. –Ташкент: 1948.
7. Ломтев Т.П. Очерки по историческому синтаксису русского языка. –Москва: 1956.
8. Пешковский А.И. Русский синтаксис в научном освещении. –Москва: 1956.
9. Умаров А. Сложноподчинённое предложение с придаточными времени в русском языке и способы передачи их на каракалпакском языке. –Ташкент: 1965.
10. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. –Москва: 1941.

Мақола турли тиллар тизимларида чегараланган замон маъносини ифодаловчи тил воситаларини ўрганишга бағишланган. Унда бу маънонинг «до» предлоғли конструкциялар воситасида берилиши ва уларнинг каракалпак тилидаги эквивалентлари қараб чиқилган.

Статья посвящается изучению значения ограничения во времени в языках различных систем. В ней рассматриваются способы передачи значения ограничения во времени конструкциями с предлогом «до» и их эквиваленты в каракалпакском языке.

The article is devoted to the study of value of limitation in time in the languages of different systems. The methods of transmission of value of limitation in time are examined by the constructions with a preposition «to» and their equivalents in the Karakalpak language.

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ю.М.Ибрагимов - профессор

У.Ю.Ибрагимова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: инновацион технология, феъл замонлари, тасниф, лексика, семантика, грамматика, стилистика, функционал алмашилиш, даражаланиш.

Ключевые слова: категории времени глагола, инновационные технологии, лексика, семантика, грамматика, стилистика, функциональные особенности.

Key words: innovation technique, category of verb tenses, lexicon, semantics, grammar, stylistics, functional peculiarities.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида, илгари сурилган концептуал фикр-ғоялар, илм-фан соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар таълим-тарбия жараёни мазмунини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда [1:2011; 2:2009]. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида жамият ҳаётига янгиликларнинг кириб келиши, инсон меҳнатининг такомиллаштириши, қулайликка эга бўлиши, янгиланиб боришига бўлган эҳтиёж таълим соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришларни содир этди. Шу маънода, замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ориқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш,

улар томонидан эгалланган билим, қўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича интерфаол методлар асосида ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик технология ўз моҳиятига қўра, субъектив хусусиятга эга, яъни ҳар бир педагог таълим-тарбия жараёнини ўз имконияти, қасбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши мумкин. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар [4:2003; 2006]:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- талабалар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;

- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиядан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас (3:2003). Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш лозим. Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларида талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш (6) борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган, уни ҳар бир фан ёки унинг бир бўлими [4:1996] ёки ҳозирги адабий ўзбек тилидан «Феълнинг замон категорияси» мавзусини ўқитиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, дунёда бирор тил йўқки, унда фикр замонсиз ифодаланган бўлса, феълнинг замон категорияси объектив воқеликнинг тилда акс этишининг бир кўринишидир: замон ҳодисасининг, замон тушунчасининг тилдаги ифодасидир. Тилда бу тушунчани ифодаловчи воситалардан бири феълнинг замон кўрсаткичларидир [6:2006]. Бу воситаларнинг ўзаро муносабатлари турлича. Масалан, назарий жиҳатдан қараганимизда, замонни ифодаловчи лексик ва грамматик воситалар психик томондан бир-бири билан мос бўлиши шарт: **кеча** сўзи ўтган замон феъли, **ҳозир** – ҳозирги замон феъли, **эртага**-келаси замон феъли ва бошқалар (эртага саёҳатга жўнаймиз) билан қўлланади.

Чунки феъл замонларининг белгиланишида нутқ моменти асосдир, замонни аниқлашнинг бошланиш нуктаси ана шу нутқ моментида. Ҳаракатнинг нутқ моменти билан муносабатига қараб, феълларнинг уч замони - грамматик замон – белгиланади: 1) ўтган замон (нутқ моментида аввал), келаси замон (нутқ моментида кейин), ҳозирги замон (нутқ моменти билан дуч келиш). Нутқ моментида муносабат объектив замон ҳодисаси асосида сўзловчи томонидан белгиланади.

«Феълнинг замон категорияси» мавзусини интерфаол методлар ёрдамида ўрганиш бўйича «Кейслар» тўпламини яратишда аниқ режа тузиб олиш мақсадга мувофиқдир. **Хусусан**, «кейслар» тўпламидан қуйидаги масалалар ўрин олиши лозим:

- феъл замонлари турини белгилашда унинг грамматик ва лексик воситаларининг доим бир-бирига «мос келавермаслигини аниқлаш;
- феъл замонлар шаклининг кўчган-кўчмаганликни аниқлаш билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этиш;
- грамматик адабиётларда *ёт*, *тур*, *утир* ва юр феълларининг ҳозирги замон маъноси учун қўлланиш хусусияти: а) бу тўрт феълнинг ҳозирги замон маъносини уларнинг ички хусусияти ва маълум шаклда келиши (...**иб**-шахс аффикси, **-а** ёки **-и** –шахс аффикси ва бошқалар) билан боғлиқлиги; б) буларнинг **-р** аффикси сифатдош тусида қўлланиши бугунги тилда ҳозирги замон маъносида ишлатилмаслиги (ёски ўзбек тилида шундай қўлланган) ва келаси замон феъли саналиши; в) бу феълларнинг ўзаро фарқланиши (қиёсланг: *айта+япман*, *айтаман-айтиб турибди*, *айтиб-йурибди*, *айтиб ўтирибди*, *айтиб ётибди*) ишнинг давом этишидаги вақтнинг узок-яқинлиги, кўп-озлиги, узун-қисқалиги, шунингдек, ҳар хил маънолар билан боғлиқлиги; г) бу феълларнинг кўп маънолик ва омонимлик хусусиятларга эга бўлиши;
- ҳозирги замон шаклидаги феълнинг ҳар уч замон маъносида ҳам кела олиш сабаблари;
- келаси замон феъл шакллари таснифида бир хилликнинг йўқлиги;

1. Икки қисмли тасниф: 1) аниқ келаси замон феъллари; 2) келаси замон гумон феъллари.

2. Уч қисмли: 1) келаси замон гумон феъли: борорман; 2) катъий келаси замон феъли: борарман; 3) катъий келаси

замон феъли: боражакман; 4) катъий тарихий келаси замон феъли ёзғумдир.

3. Тўрт қисмли тасниф: 1) аниқ келаси замон шакли (**-жак**); 2) келаси замон мақсад шакли (**-моқчи**); 3) келаси замон гумон шакли (**-р**); 4) келаси замон лозим шакли (**-ди+ган**).

4. Олти қисмли тасниф: 1) ҳозирги-келаси замон феъли (**-а, -й**); 2) келаси замон гумон феъли (**-р**); 3) катъий келаси замон феъли (**-жак**); 4) тарихий катъий келаси замон феъли (**-гум**); 5) келаси замон давом феъли (**-диган**); 6) келаси замон мақсад феъли (**-моқчи**).

5. Етти қисмли тасниф: юқоридаги олти турга **Ж.М.Жўраев «келаси замон ҳикоя феъли»** номи билан (**-р-тўлиқсиз феъл**) яна бир тур кўчирган ва бу шаклни тўлиқсиз феълнинг турига қараб, шундай ажратган: 1) келаси замон ешитилганлик феъли (борар экан), 2) келаси замон истак феъли (борадиган).

- модал маъноларни ҳисобга олиш - бунинг майл категорияси билан муносабати қай даражада бўлиш кераклиги;

- диалектал (**-жак**) ва тарихий шаклларнинг ҳам ҳозирги адабий ўзбек тил доирасида қаралиши, қай таризда бўлиши кераклиги каби муаммоларнинг ечимини топиш;


-**диган** шакли бир ишда давом, лозимликда давом, лозимлик шакли, одатдаги барқарор белгини кўрсатадиган шакл деб қаралишига муносабат билдириш;

-келаси замон феъл шакллариининг гумон, тахмин (**борар-балки борар-борса керак**), шунингдек, мўлжал, истак маъноларнинг(**диган-моқчи**) шакллари орқали ифодаланишида услубий қўлланиши;

- феъл замон шаклларида кенг умумзамон маъносини ифодалай олиши;

- феъл замонлари шакллариининг даражаланиши ва б.

Кейслар тўплами таркибидаги ҳар бир метод муайян муаммони ҳал этишга қаратилиши керак. Масалан, «**Венн диаграммаси**» стратегияси (**методи**) талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади (5:1996). Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.



Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:

Стратегия талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далиллар қиёсий таҳлил этилди. Ушбу стратегиядан

Ҳозирги адабий ўзбек тилидан «Феълнинг замон категорияси» мавзуси юзасидан якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- *гуруҳ талабалари тўрт гуруҳга бўлинади;*
- *ёзув тахтасига топириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;*
- *ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим,боб) юзасидан алоҳида топириқлар берилади;*
- *топириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;*
- *гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирилади..*

«Венн диаграммаси» стратегиясини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир (фаолият моҳияти ҳозирги адабий ўзбек тили (морфология) бўлимининг 3-курсида ўқитиладиган «Феълнинг замон категорияси таснифи» мавзусини ўрганиш асосида очиб берилади)

Гуруҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топириқлар мазмуни
1-гуруҳ	1-диаграмма	Ҳаракатнинг нутқ моментга қараб феъл замонларини белгиланг.
	2-диаграмма	Ўтган замон феъл шакллариининг таснифини яратинг.

2- гурух	3-диаграмма	Утган замон феълнинг синтетик ва аналитик шакллари таҳлил қилинг.
	1-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон ясовчи шакллари тавсф этинг.
	2-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон шакллари учала замон маъносида қўлланишини характерланг.
	3-диаграмма	Феълнинг ҳозирги-келаси замон ясовчи шакллари изохланг.
3- гурух	1-диаграмма	Феълнинг келаси замон шакллари маъноларини характерланг.
	2-диаграмма	Феъл замонларининг услубий-функционал хусусиятларини характерлаб беринг.
	3-диаграмма	Феъл замон шакллари даражаланишини тавсифлаб беринг.
4- гурух	1-диаграмма	Фелнинг замон шакллари модал маъно муносабатларини изохланг.
	2-диаграмма	Феълнинг вазифадош шакллари замон ясовчи шакллари билан ўзаро муносабатини характерланг.
	3-диаграмма	Феълнинг замон, нисбат ва майл шакллари ўзаро муносабатини изохланг ва диаграммага жойланг, жадвалини тузинг.

«Инерт» стратегияси

Стратегия ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича талабаларнинг муайян тушунчаларга эга эканликлари аниқлаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;
- ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;
- гуруҳлар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар;
- баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;
- сўнгги ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;
- гуруҳ матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган матн фикрларининг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади).
- гуруҳ аъзолари шахсий қараишларини ифода этадилар ва махсус белгилар сонини умумлаштиридилар;
- гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;
- лидерлар гуруҳ жамоасини гуруҳ натижалари билан таништиридилар. таништириладилар билан tanishtiradilar.

Хуллас, педагогик технологияларнинг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2011.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор -маънавиятга, келажакка эътибор. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Azizxojayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Т.: 2003, 2006.
4. Eshmuhammedov R. Tálimda innovatsion texnologiyalar. –Тошкент: 1996.
5. Rahmatullayev Sh. "Hozirgi adabiy ózbek tili" - Тошкент: "Universiter", 2006.
6. <http://www.gov.uz/> Nizomiy nomidagi TDPU sayti.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада она тилидан «Феъл замонлари категорияси» модулини ўқитиш жараёнида феъл замон шакллари лексик-семантик, грамматик ва услубий-функционал хусусиятлари ҳамда унинг-феълнинг нисбат, майл шакллари билан ўзаро муносабатлари ҳақида талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари баён этилди.

РЕЗЮМЕ

В работе излагаются мнения, обсуждения и предложения о способах применения инновационных технологий в совершенствовании знаний, умений и навыков студентов (учеников) о сторонах их взаимосвязи и различий по лексическим, семантическим, грамматическим и стилистическим, функциональным особенностям в узбекском языке.

SUMMARY

The article deals with the opinions, discussions and suggestions about the ways of using innovative technologies to improve the knowledge, habits and skills of students about the interaction and differences in the lexical, semantic, grammatical, stylistic and functional peculiarities in the Uzbek language.

ИККИ ТИЛЛИЛИК ШАРОИТИДА ЛЕКСЕМА ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ БИР УСУЛИ ҲАҚИДА

Ш.Жўраев - катта илмий ходим-изланувчи

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Зарафшон водийси, сўз ўзлаштириш, морфологик, морфологик усул, лексема, икки тиллилик, лексик система.

Ключевые слова: Зарафшанская долина, слово-изменения, морфологический метод, лексика, двуязычие, лексическая система.

Key words: Zarafshan valley, word-changing, morphological method, lexemes, bilingualism, lexicological system.

Маълумки, мамлакатимизда турли миллатларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлиб яшаётганликлари давлатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи муҳим омилдир. Бу эса диёримизда маданият, илм-фан таракқиёти, тиллараро муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратмоқда. Қадимдан бир манзилда яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари бугунги кунгача деярли бир хил урф-одат соҳиблари бўлиб келишмоқдалар.

Ўзбек ва тожик халқлари узоқ асарлар давомида ёнма-ён яшаганликлари учун улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг илдизлари ҳам қадимийдир. Уларнинг тарихи, тақдири, босиб ўтган йўли, турмуш тарзи, урф-одатлари диний эътиқоднинг монандлиги ҳаёт саҳифаларида акс этмоқда. Буларнинг барчаси икки халқ ўртасида асарлар давомида адабий алоқа ва таъсирнинг шаклланиши ва омикталаниши учун замин ҳозирлади. Бу борада тилшунос олимлардан, А.К.Боровков, Ҳ.Ғуломов, К.Юсупов, Д.Ишондаев, Н.Шаропов,

В.С.Расторгуева, М.Зокировлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Жумладан, Ҳ.Ғуломов таъкидлаганидек, “Ўзбек ва тожик тилларининг алоқаси ўзининг қадимий чуқур тарихига эга” [1, 3].

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқалар қадимдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу ҳусусда М.Зокиров шундай ёзади: “...бир халқнинг ўзида икки ва ундан ортиқ турли миллий тилларнинг мавжуд бўлишида намоён бўлади” [2:8-9]. Бунда алоқалар ҳар икки халқ тили ривожига самарали таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Шу боисдан ҳам халқ шеваларида икки тилда аралаш ҳолда сўзлашув нутқининг вужудга келганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни лексема ҳосил қилиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Тилшуносликда лексема ҳосил қилиш йўллари ҳақида, А.Н.Кононов, А.Ҳожиёв, Ж.Мухторов, Э.Бегматов, Р.Дониёров, А.Ғ.Ғуломов, М.Абдиев, Ш.Мирзакулов каби таникли тилшунос олимлар тадқиқот ишлари олиб